

«26.04» 2022 йил

«Умуртоқ Раҳимов» МСНД бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан ҳаракат қилувчи бошлиқ шахсидан Ф. Махмудов _Ўзбекистон туман Ободонлаштириш бошқармаси бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб юритулувчи амалдаги низомга асосан ҳаракат қилувчи бошлиқ шахсидан Ф Муратов ушбу шартномани куйидагилар тугрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

- 1.1 «ПУДРАТЧИ» уз кучи, асбоблари механизмлари билан «БУЮРТМАЧИ» га қарашли Укчи Бозорбоши кучасида жойлашган кабристон деворини мукамал таъмирлаш шартномага илова қилинувчи сметага мувофиқ мукамал таъмирлаш ишларини амалдаги техник шартларга риоя қилган ҳолда таъмирлаш мажбуриятлари уз зиммасига олади.
- 1.2 «ПУДРАТЧИ» тегишли проект-смета ҳужжатларига мос ҳолда «БУЮРТМАЧИ» томонидан жорий таъмирлаш ишларини қилишилган вақтда бажариш ва уни қамчиликларсиз тулик тайёр ҳолда уз муддатида «БУЮРТМАЧИ» га топширишни уз зиммасига олади.
- 1.3 «ПУДРАТЧИ» иш бажариш вақтида қурилиш монтаж ва мукамал таъмирлаш ишлари учун кетадиган қурилиш материалига ва ишчи кучини уз ҳисобидан узни таъминлайди.
- 1.4 «ПУДРАТЧИ» томонидан қилинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «БУЮРТМАЧИ» узининг мутахассисларини иштирокида қабул қилиб олади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

- 2.1. Шартноманинг умумий баҳоси 341 503 831,60 сум (Уч юз қирк бир миллион беш юз уч минг саккиз юз уттиз бир сум 60 тиийин) _ сумни ташкил қилади.
- 2.2 Шартнома баҳоси уз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 3.1 Ушбу шартнома буйича «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» ҳисоб рақамига 30% аванс туловини утказиб беради.
- 3.2 Тулов шакли «ПУДРАТЧИ» томонидан Ф-2, Ф-3 ҳужжатларини тасдиқлангандан сунг солиштирма далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг ҳисоб рақамига тугридан тугри пул утказиб беради.
- 3.3 Шартнома буйича охириги ҳисоб-китоб иш тулик тамомлангандан сунг 20 кундан кечиктирмай «БУЮРТМАЧИ» томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

- 4.1 «ПУДРАТЧИ» ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларини 30-кун муддатда бажаради.
- 4.2 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» томонидан бажарилган ишга бажарилган ишлар ҳужжатлари тула тасдиқлангандан сунг 30 кун ичида ҳақ тулайди, ёки ёрдамчи «Пудратчи» нинг розилик хатига асосан «Пудратчи» дан мавжуд булган қурилиш материаллари билан ҳисоб-китоб қилинади.
- 4.3 Шартнома 2022 йил 26.04 2022 йил 31-декабргача амал қилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 5.1 «ПУДРАТЧИ».
 - 5.1.1 Уз кучи техника воситаси билан календар иш режаёнида назарда тутилган барча ишларни тула ҳажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатда ишларни «БУЮРТМАЧИ» га меърий ҳужжатлар талабига ва қондалар асосида топшириш;
 - 5.1.2 Объектга лойихага биноан булган материалларни конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш;
 - 5.1.3 Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субподряд шартномаги тузганини тугрисида «БУЮРТМАЧИ» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
 - 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қурилиши буйича зарур чора тадбирларини бажарилишини таъминлаш;
 - 5.1.5 «ПУДРАТЧИ» назорати туловларидан қелиб чиққан ортиқча иш ҳақи ҳажми учун жавоб бермайди.
- «ПУДРАТЧИ» (елланма) ташкилотлар узлари бажарган иш ҳажмлари учун узлари жавоб бериш мажбуриятини олади.
- 5.2 «БУЮРТМАЧИ»
 - 5.2.1 Календар иш режаси белгиланган ҳажмда ва муддатда ҳажми «ПУДРАТЧИ» га топшириш;
 - 5.2.2 У шартномани 1-булимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «ПУДРАТЧИ» га ҳақ тулаш;
 - 5.2.3 «ПУДРАТЧИ» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 Тарафлар шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0.5% ҳисобида пеня тулайди лекин бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар еки курсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим
- 6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қушиб қурган зарарни қоплайди.

6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хукукий бартараф етишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафларни биронтаси ҳам ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларни эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин. Булмаган ҳолатлар бундан уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқоролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, эр кемириши сув тошқини ёнгинни ва бошқа табиий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги учун жавобгар булмайди.

7.2 Бартараф қилиб булмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан берилган гувоҳномалар унинг етарли даражасидаги тасдиғи ҳисобланади.

7.3 Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажариш унинг тўсир курсатиш ёки монелик қилиш тугрисида бошқа тарафга имкон қадар тез хабар бериш лозим.

7.4 Агар бартараф қилиб булмайдиган қучлар 3 ой давомида мунтазам тасир этаётган булса ва тугаш белгилари аниқланмаса ижара берувчи шартнома бекор қилиши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1 Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан пайдо булган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар уртасида музокара йули билан хал қилинади.

8.2 Агар келишмовчиликлар музокара йули билан хал қилиб булмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судида қурилиши лозим булади.

9. ШАРТНОМАГА ҚУШИМЧА ВА УЗГАРТИРИШЛАР ҚИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1 Ушбу шартнома ҳар қандай қиритиладиган қушимча ва узгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб ҳар иккала томон имзолаган ҳолларда сунг қонуний қучга эга булади.

9.2 «БУЮРТМАЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:

9.2.1 «ПУДРАТЧИ» нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 1 (бир) ой ун (10) кунга ошиб кетганда.

9.2.2 «ПУДРАТЧИ» нинг шартнома шартларини бузиш натижасида курсатилган ишларини сифати пасайганда.

9.3 «ПУДРАТЧИ» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли;

9.3.1 «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ПУДРАТЧИ» га боғлиқ булмаган сабаблар буйича мукамал таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тухтатиб турганда;

9.3.2 «БУЮРТМАЧИ» томонидан лойиха ҳужжатларини узгартиришлар қиритиш билан боғлиқ ҳолда ишларни баҳоси 50% кунга камайганда.

9.3.3 «БУЮРТМАЧИ» томонидан кейинчалик қурилиш молиялаш имконияти йукотилганда.

9.4 «БУЮРТМАЧИ» «ПУДРАТЧИ» нинг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинади.

«БУЮРТМАЧИ» эса «ПУДРАТЧИ» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар ҳажми қийматини тулайди.

9.5 Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1 «ПУДРАТЧИ» амалдаги тартиб ва қоидалар буйича бажарилган ишлар сифатига 1-йил муддатга қанолат беради. Ушбу бандга риоя қилинмаган ҳолларда бажарилган ишлар шартномавий қийматининг 2 баробари миқдорда жарима тулайди.

10.2 Ҳар иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият курсатадилар.

10.3 Мазкур шартнома 2022 йил 31-декабргача амал қилади

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТУЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Пудратчи»
Савдодор Ҳасановлар (иш бажарувчининг номи)

Манзил: *Макареев*

Тел./факс:

Ҳисоб vara: *2010200040440640001*

Банк номи: *Марказий банк*

МФО: *0041* СТИР: *201134001*

ОКОНХ:

Раҳбар:

А.Ў.

Макареев
(имзо) (Ф.И.Ш)

«Буюртмачи»

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Яйпан ш А Навоий кучаси № 29 уй

Тел./факс: + 998905090507

ш/х*: 401722860302307065400110001

СТИР: 200189280 ОКЭД:

Ўзбекистон тумани буйича Ғазначилик бўлини маси

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банк ХҚҚМ Тошкент ш.Б.Б.

МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919

Раҳбар:

Макареев
(имзо)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi.
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: Uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 26-iyul

Yaypan shahri

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

- 1.Loyihaning turi : Shartnoma.
- 2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi loyihasi.
- 3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasi.
- 4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:

O'zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" MChJ o'rtasida jami summasi 341 503 831,60 (uch yuz qirq bir million besh yuz uch ming sakkiz yuz o'ttiz bir so'm 60 tiyin) so'm bo'lgan O'qchi MFY Bozorboshi ko'chasida joylashgan qabriston devorlarini Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi hisobidan mukammal ta'mirlash ishlarini amaldagi texnik shartlarga rioya qilingan holda bajarish shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 41 -moddasiga ko'ra, yuridik shaxs o'zining ta'sis hujjatlarida nazarda tutilgan faoliyati maqsadlariga muvofiq fuqarolik huquq layoqatiga ega bo'ladi.

Yuridik shaxsning huquq layoqati u tuzilgan paytdan boshlab vujudga keladi va uni tugatish yakunlangan paytdan e'tiboran tugatiladi.

Fuqarolik kodeksining 44-moddasi birinchi qismiga muvofiq yuridik shaxs qonunchilikda belgilangan tartibda davlat ro'yxatidan o'tkazilishi lozim. Davlat ro'yxatidan o'tkazish haqidagi ma'lumotlar barchaning tanishib chiqishi uchun ochiq bo'lgan yuridik shaxslarning yagona davlat reyestriga kiritiladi.

O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining www.stat.uz rasmiy veb-saytidan olingan ma'lumotga asosan "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" MChJ 2009-yil 11-aprelda davlat xizmatlari markazidan 2845-raqami bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasining xarid komissiyasining 2022-yil 22-iyuldagi 121557-sonli majlis bayonnomasiga asosan "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" MChJ bilan shartnoma tuzilishi belgilangan.

"Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 25-moddasida "Tovarlarni yetkazib berish muddatlari kechiktirib yuborilgan, to'liq yetkazib berilmagan, ishlar bajarilmagan yoki xizmatlar ko'rsatilmagan hollarda, tovar yetkazib beruvchi (pudratchi) sotib oluvchiga (buyurtmachiga) kechiktirilgan har bir kun uchun majburiyat bajarilmagan qismining 0,5 foizi miqdorida penya to'laydi, biroq bunda penyaning umumiy summasi yetkazib berilmagan tovarlar, bajarilmagan ishlar yoki ko'rsatilmagan xizmatlar bahosining 50 foizidan oshib ketmasligi lozim.

Penyani to'lash shartnoma majburiyatlarini buzgan tarafni tovarlarni yetkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborish, to'liq yetkazib bermaslik, ishlarni bajarmaslik yoki xizmatlarni ko'rsatmaslik oqibatida yetkazilgan zararni qoplashdan ozod etmaydi" deb belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-iyundagi PQ-5168-sonli qarori bilan tasdiqlangan Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risidagi

Nizomning 14-bandi 1-kichik bandi ikkinchi xatboshida “yuridik xizmat ko‘rsatiladigan tashkilotlar rahbariyatiga taqdim qilinadigan buyruqlar, farmoyishlar, shartnomalar va yuridik tusdagi boshqa hujjatlar loyihalarini ularning qonunchilikka muvofiqligi yuzasidan huquqiy ekspertizadan o‘tkazadi hamda ular bo‘yicha e‘tiroz va takliflar bo‘lmasa, viza qo‘yadi. Bunda, loyihalarga Markazlar xodimlari tomonidan tegishli tashkilotning boshqa rahbar o‘rinbosarlari va tarkibiy tuzilmalari rahbarlari (xodimlari) mazkur hujjatlarni ko‘rib chiqib imzolaganidan keyin viza qo‘yiladi” deb belgilangan.

O‘zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yil kungi Davlat xaridlari to‘g‘risidagi O‘RQ 684-sonli qonunining 56-63 moddalarida davlat buyurtmachilari tomonidan eng yaxshi takliflarni tanlash vositasi orqali shartnomalar tuzish mumkinligi ko‘rsatib o‘tilgan.

Yuqorida bayon etilganlarga asosan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.06.2021-yil kungi PQ-5168 sonli qaroriga qo‘llanib,-

XULOSA QILAMAN:

O‘zbekiston tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va “ULUG‘BEK QIZIL QAQIR” MChJ o‘rtasida jami summasi 341 503 831,60 (uch yuz qirq bir million besh yuz uch ming sakkiz yuz o‘ttiz bir so‘m 60 tiyin) so‘m bo‘lgan O‘qchi MFY Bozorboshi ko‘chasida joylashgan qabriston devorlarini Fuqarolar tashabbusi jamg‘armasi hisobidan mukammal ta‘mirlash bo‘yicha pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq ishlab chiqilgan.

Bosh yuriskonsul‘t



M.Utanov

Тасдиқлайман
Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошқармаси
бошлиғи: *Ф Муратов*

(имзо)
Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошқармасига 2022-йил харажатлар сметасида
ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали
фойдаланиш ҳамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини
ўтказиш ишчи гуруҳининг

26,07,2022 й

Йиғилиш баёни №7

Ўзбекистон тумани

Йиғилишда ишчи гуруҳининг қуйидаги аъзолари катнашдилар:

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

Аъзолари :

Мухандис Ш Камолов

Техника Хавфсизлиги назоратчиси Ш Камолов
Участка бригадири М Хамроқулов

Техник назоратчи

Б Долматов

Йиғилиш кун тартибида қўриладиган масала:

Ўзбекистон тумани Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Фуқаролар ташаббусли
жамғармаси ҳисобидан 13,07,2022 йилда etender.uzex.uz дастурида **22110012121557** - сонли
лот орқали Укчи Бозорбоши кучасида жойлашган кабристон деворини мукаммал
таъмирлаш жами 3711998176ўмлик “энг яхши таклиф “ учун жойлаштирилган.

Йиғилиш қарори:

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари
тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибининг
аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида
ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул
таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб
аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат
харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига
жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш кунининг ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш
натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид
комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар
харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.



Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.




Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли “Улугбек Кизил Какир” МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :

Аъзолари :

 **М Хамроқулов**
 **Б Долматов**

 **Ф Муратов**
 **Ш Камолов**
 **Ш Камолов**